# Миллий ғоя — миллат шаъни

(Боши 1-бетда)

Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарор қабул қилинганлиги ва унинг изчил ижроси мустақиллигимизнинг ҳозирги босқичида бу борадаги ишларни юксак даражага кўтаришда катта аҳамиятга эга бўлади. Дарҳақиқат, қарорда таъкидлаб ўтилганидек, Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Қарорда бугунги долзарб вазифалар аниқ ва лўнда қилиб кўрсатилган. Яъни, "халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ушбу соҳадаги ишларни" қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Биз журналистлар бу ишлардан четда туролмаймиз. Аксинча, олдинги сафда бўлишимиз зарур. Ҳозир жаҳонда ғоявий, мафкуравий ва информацион кураш шу даражадаки, айниқса, ғарбнинг оммавий ахборот воситалари ҳаммани бир қолипга солиш учун курашга бутунлай сафарбар этилган. Дунёга ҳукмронлик даъво қилаётганлар томонидан ишлаб чиқилган стандартлар ҳаммага бирдай қўлланмоқда. Қолипга тўғри келмаганларга тазйиқ ўтказилмоқда. Ҳозирги кураш синфий, яъни тузумлар ўртасидаги кураш эмас. Бугунги кунда ер юзида бир қутбли дунё ҳукмронлигини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун кураш боряпти. Оқибатда жаҳондаги кўплаб халқларнинг миллий-этник, диний, маънавий, маданий, тарихий ва бошқа қадриятлари инкор этилиб, сунъий равишда ўйлаб топилган ва демократия деган чиройли сўз билан ниқобланган, ҳеч қандай тарихий, диний ва маънавий асосга эга бўлмаган турмуш тарзи тинимсиз тарғиб қилинмоқда. Бу йўлдан юрмаганларга турли тамғалар босилмоқда, тазйиқлар ўтказилмоқда, фитналар уюштирилмоқда. Шундай экан, биз журналистлар миллий манфаатларимизга ва ҳаёт тарзимизга зид бўлган ҳар қандай заарли ғоялар ва мафкуравий хуружлар моҳиятини очиб беришимиз керак. Юртимизга қарши қаратилган ғоявий ва информацион хуружларни ҳамда улар ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фош қилиш бизнинг вазифамиз.

Ғарбнинг оммавий ахборот воситалари, теле ва кино маҳсулотлари орқали тарғиб қилинаётган беҳаёлик, одобсизлик, бошбошдоқлик, тўс-тўполон ва бошқа ҳолатлар биз учун ёт бўлган иллатлардир. Айтайлик, яқинда Ливанда гўдак болалар, ҳомиладор аёллар, иложсиз қариялар қурбон бўлаётган ваҳшиёна ҳолатда "онгли эркинлик" даҳолари нега беўхшов тиржайиб туришди?.. Бу қандай мафкура? Жаҳонда "тартиб" ўрнатмоқчи бўлаётганлар нега ҳеч қандай сабабсиз, далил-исботсиз, мантиқсиз бировга мумкин бўлган нарсани бошқа бировга тақиқлаб қўйишади, бировни олқишлаб, бошқа бировни турткилашади, бировни тўғри деб, бошқа бировга эгри деган тамға босишади? Хуллас, сунъий ғоя ва ғаразли мафкура даҳоларига бериладиган саволлар кўп. Бироқ, уларнинг демократия деган ниқобдан бошқа жавоблари йўқ. Чунки, уларнинг даъволарида ҳеч қандай тарихий, миллий, диний, маънавий асос – илдиз йўқ. Асосга эга бўлмаган мафкура сафсатадан бошқа нарса эмас.

Бизнинг эса тарихий илдизимиз мустаҳкам, миллий ғуруримиз баланд, тарихий хотирамиз боқий, ота-она, оила, фарзанд, маҳалла, эл-юрт, эътиқод, қадрият деган тушунчаларимиз юксак. Буларнинг ҳар бири миллий ғоя ва мафкурамизга улуғворлик, боқийлик, бой мазмун-моҳият бағишлаб турибди. Уларни қалбимиздан, ҳаётимиздан, жамиятимиздан ҳеч ким ва ҳеч қандай куч чиқариб ташлашга қодир эмас. Фақат аждодларимизнинг бу борадаги бебаҳо меросини бугунги тараққиёт талаблари ва умуминсоний қадриятлар билан узвий ҳолда тарғиб этишимиз зарур бўлади. Бунда, сўзсиз, журналистлар зиммасидаги масъулият катта.

Шунингдек, қарорда "юртдошларимизни муқаддас ислом дини ва фалсафаси, азиз-авлиёларимизнинг ибратли ҳаёти, қутлуғ қадамжоларига, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича маънавий-маърифий дастурларни амалга ошириш" кўзда тутилган. Ўзбекистон – улуғ азиз-авлиёлар ва қутлуғ қадамжолар юрти. Тўғриси, жаҳонда бизга тенглашадиган юртнинг ўзи йўқ. Бағрикенглик эса миллатимизга хос қадрият. Меҳр-оқибат бор экан, юртимизда хайр-эҳсон ва саховатга, инсон тўғрисида ғамхўрлик кўрсатишга кенг йўл очилади. Шубҳасиз, бу борадаги маънавий-маърифий ишларни тарғиб қилишда ибратли жиҳатларнинг мазмун-моҳиятини, аҳамиятини, устунлик томонларини ҳаётий мисолларда очиб беришимиз зарур.

Миллий ғоя Ватан ва миллат шаънига, мустақиллик манфаатига, авлод-аждодлар ва миллий қадриятлар давомийлигига, ўзликни ривожлантиришга хизмат қилиши керак. Миллий ғоя миллий мафкуранинг асосини ташкил этади. Шунинг учун ҳам мафкуравий ишлар самарадорлигини ошириш билан миллий ғояни мустаҳкамлаймиз. Демак, бу билан жаҳонда ўз ўрнимиз борлигини исботлаймиз.

**Иброҳим НОРМАТОВ**

*Қашқадарё томонларда*

## Маҳаллада ёшлар маркази

***Косон туманидаги Лолазор маҳалласида ёшлар учун ижтимоий хизмат маркази очилди.***

Марказда маҳалла ёшлари компьютер, тикувчилик, тил ўрганиш курслари ва ахборот маслаҳат хизматларидан бепул фойдаланадилар. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ўқиш-ўрганиш харажатларини ўз зиммасига олган.

## Анъанавий кўргазма

***Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтида қоракўл, зотли наслли қўчқорлар ва эчкиларнинг анъанавий кўргазмаси ҳамда кимошди савдоси бўлиб ўтди.***

Қора рангли наслли қўчқорлар кўргазмасида "Муборак" ва "Нишон" ширкат хўжаликлари олий ўрин, Миришкор туманидаги "Ўзбекистон" хўжалиги 1-ўрин, шу тумандаги Ғафур Ғулом номли хўжалик 2-ўрин, кўк рангли қўчқорлар кўргазмасида Ғузор туманидаги "Ғузор" ширкат хўжалиги олий ўрин, Деҳқонобод туманидаги И.Иброҳимов номли ширкат хўжалиги 2-ўрин, ангор зотли эчкилар кўргазмасида Деҳқонобод туманидаги Ибн Сино номли ширкат хўжалиги 1-ўринга муносиб топилди.

Олий ўрин совриндорлари "Матиз" автомашинаси, 1 ва 2-ўрин соҳиблари қимматбаҳо совғалар ҳамда пул мукофотлари билан тақдирландилар.

## Пилла қайта ишланмоқда

***Касби туманидаги "Пилла" МЧЖ қошида пиллани қайта ишлашга мўлжалланган цех ишга туширилди.***

Цехда қуруқ пилла қайта ишланиб, давлат стандартига мос ипак маҳсулоти тайёрланмоқда. Бу ерда йил охирига қадар 5 тонна пиллага бирламчи ишлов бериш мўлжалланмоқда. Олинган ипак маҳсулоти Тошкент шаҳридаги "Ипак-импекс" корхонасига шартнома асосида етказиб берилади. Энг муҳими, цех ишга тушгач, 30 нафар касбилик хотин-қиз учун янги иш ўрни яратилди.

**Фахриддин БОЗОРОВ**

## Қурувчилар туҳфаси

***Энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги тантаналари давом этаётган айни дамда Косон тумани аҳли учун байрам байрамга уланиб кетди. Туман марказида оталар чойхонаси, кутубхона ва боғ барпо этилаётир.***

Шунингдек, бу ерда 90 ўринга мўлжалланган болалар шифохонаси ҳам қуриб битказилди. Биргина ушбу иншоот учун 1,5 миллиард сўм маблағ сарфланди. Маълумки, юртимизда болалар спортига ҳам катта эътибор қаратиб келинмоқда ва бунинг натижасида ёшлар учун талайгина қулайликлар яратиб берилаётир. Туманда яқинда фойдаланишга топширилган замон талабларига жавоб берадиган спорт манежи ҳам ана шу эътибор мевасидир.

Иншоотларнинг қурилишида Самарқанд, Тошкент ва қашқадарёлик қурувчилар иштирок этишди.

**Жобир ИСМАТИЛЛАЕВ**




## Тўсиқлар олиб ташланади

***Исроил томонидан Ливаннинг ҳаво ва денгиз чегараларига ўрнатилган тўсиқлар олиб ташланади.***



Бу ҳақда Исроил бош вазири Эҳуд Ольмертнинг матбуот котиби хабар қилди. Энди Ливаннинг портлари ва халқаро аэропортларидаги назорат халқаро кучлар ихтиёрига топширилади. Бундан аввалроқ Ливан ташқи ишлар вазири Фауз Салух агар тўсиқларни Исроил 48 соат ичида олиб ташламаса, Байрут бу ишни куч ишлатиб ҳал этиши мумкинлигидан огоҳлантирган эди. Ўтган куни Qatar Airways компаниясининг йўловчи самолёти Ливаннинг Рафиқ Харирий номли аэропортига келиб қўнди. Бу 13 июлдан буён ушбу давлат аэропортларига келиб қўнган биринчи фуқаролик самолёти бўлди.

## Эрон раҳбарининг чорлови

***Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинажод АҚШ президенти Жорж Буш билан юзма-юз очиқ дебат ўтказиш ниятида.***



Дебатни у БМТ Бош ассамблеясининг шу ойда Нью-Йоркда бўлиб ўтадиган йиғилишида ўтказишни таклиф қилмоқда.

– Менинг Нью-Йоркка бориб Буш билан очиқчасига гаплашишимни бутун дунё тўғридан-тўғри цензурасиз томоша қилади. Ўйлайманки, бу дебат кўпгина муаммоларимизни ҳал этади, - деди Эрон раҳбари. Ҳозирда Оқ уй маъмурияти Аҳмадинажоднинг бу чақириғига бирор бир муносабат билдиргани йўқ. Кўпгина мутахассислар Жорж Буш бу таклифни рад этиши мумкинлигини айтишмоқда. Чунки бундан аввалроқ АҚШ президенти Аҳмадинажод билан телемулоқот ўтказишдан бош тортган эди.

## Хавфли режа фош этилди

***Грузияда давлат тўнтаришини содир этишга қаратилган ҳаракатлар олди олинди.***



Мамлакат Ички ишлар вазири Вано Мерабишвилининг сўзларига кўра, собиқ давлат хавфсизлик вазири Игор Гиоргадзе тарафдорлари чоршанба куни ҳокимиятни ағдаришни режалаштиришган. Ўттизга яқин одам бунда гумон қилиниб ҳибсга олинган. Мамлакатда хавфсизлик чоралари кучайтирилган. Грузиянинг собиқ хавфсизлик вазири Гиоргадзе 1990 йилда собиқ президент Эдуард Шеварнадзега суиқасд қилишга уринишда айбланган эди. У ўзига қўйилган айбловларни инкор этиб, Грузиядан қочиб кетганди.

## Энди уни нима қутқаради?

***Испания суди Силвио Берлусконига нисбатан илгари суриб келинаётган фирибгарлик айбловларини янгитдан бошлади.***



Италия сиёсий арбоби 90-йилларда Испанияда катта миқдордаги даромадларни солиқ идораларидан яширганликда ва 138 миллион доллар миқдоридаги молиявий фирибгарликни амалга оширганликда айбланиб келмоқда. Берлускони ўша вақтларда Испаниянинг Telecinco телеканалининг 25 фоизлик акциясига эгалик қилган. Италия собиқ бош вазири Берлускони бир неча бор терговга тортилишдан қутулиб қолган. 1997 йил Европарламентга аъзо бўлгани ва 2001 йил Италия вазирлар маҳкамасига бошлиқ этиб тайинлангани унинг жонига оро кирган ва суд ишлари тўхтатиб келинган эди. Испания суди судьяси Гарсон Балтасарнинг айтишича, Берлусконининг маҳкама олдида жавоб берадиган вақти келди.

## Дарфур уруш қуршовида

***Суданнинг Дарфур вилоятида фуқаролик уруши яна авж олиб кетди.***




Вилоятда кечаётган можароларни назорат этишнинг иложи бўлмаяпти. Африка иттифоқи тинчликпарвар контингенти 30 сентябрга қадар Дарфурни тарк этишга қарор қилмоқда. Судан ҳукумати эса БМТнинг 20 минг нафар аскардан иборат тинчликпарвар кучларини мамлакат ҳудудига киритишни рад этмоқда. Ҳукумат баёнотида айтилишича, агар БМТ кучлари Суданга киритилса, уларга қарата ўт очилади. 2003 йил феврал ойидан буён Дарфурда давом этиб келаётган турли қуролли гуруҳлар ва ҳукумат кучларининг тўқнашуви 300 минг нафар одамни ҳаётдан олиб кетган.

## Махфий қамоқхоналар бўлган

***АҚШ президенти Жорж Буш Марказий разведка бошқармасининг бутун дунёда яширин қамоқхоналари мавжуд бўлганини тан олди.***



АҚШ разведкаси дунёнинг турли давлатларида махфий қамоқхоналар ташкил этгани инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари ва Европа сиёсатчилари томонидан қаттиқ танқид остига олиб келинаётган эди. Айрим манбаларда айтилишича, бундай қамоқхоналарда терророрчиликда гумон қилинган шахслар сақланган ва улар қийноққа солинган. АҚШ раҳбари махфий қамоқхоналар ҳақида фикр билдирар экан, шундай деди:

- Америка разведкачилари бу йўл билан нафақат АҚШ, балки Европа давлатларида содир этилиши мумкин бўлган қўпорувчиликларнинг олдини олишга муваффақ бўлишди.

**INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.**

*Божхона*

## Сифатсиз товарларнинг йўли берк

***Давлат божхона қўмитаси ходимлари юртимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ички истеъмол бозоримизни сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш мақсадида қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар. Натижада кўплаб сохта тадбиркорларнинг ноқонуний фаолиятига ўз вақтида чек қўйилмоқда.***

Яқинда Андижон шаҳрида фаолият юритувчи "Ташқи савдо ва инвестиция" масъулияти чекланган жамияти томонидан Россиянинг "Стрелец" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилган қиймати 43,7 минг АҚШ долларини ташкил этувчи "Суприма" мол гўшти консерва маҳсулотларининг 150 минг донаси юртимизга олиб келиниб, уларни эркин муомалага чиқариш мақсадида Андижон вилоят бошқармасига мурожаат қилинди.

Божхона ходимлари амалдаги қонун ҳужжатларига кўра ушбу маҳсулотларга мувофиқлик сертификатини талаб қилиб, маҳсулотларни "божхона омбори"га божхона режимига асосан жойлаштиришди.

Шундан сўнг маҳсулотлардан намуналар олиниб, уларнинг сифати Андижон вилояти сифат сертификатлаштириш марказида назоратдан ўтказилганида давлат стандарти талабларига жавоб бермаслиги аниқланди.

Агарда ушбу сифатсиз маҳсулотлар халқимиз дастурхонига етиб борганида кўплаб инсонларнинг азият чекишига сабабчи бўлиши мумкин эди.

Аммо юқоридаги каби ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракатлар ўз бурчига содиқ божхоначилар томонидан чиппакка чиқарилиши аниқ.

**Нурбек САЛОМОВ, ДБҚ Матбуот хизмати ходими.**



Нарпай туманидаги "Оқтош дон" акциядорлик жамиятида бу йил қабул қилинган 60 минг тоннага яқин буғдой пешма-пеш қайта ишланяпти. Жорий йилда ишлаб чиқарилган уннинг 1,5 минг тоннасини хориж давлатларига сотиш мўлжалланмоқда.
СУРАТДА: таҳлилхона лаборанти Матлуба Ҳакимова.
**Б.АКРАМОВ олган сурат.**

*Қарор ва ижро*

# Имконият

***Президентимиз томонидан шу йил 23 мартда имзоланган "Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарор ижроси мамлакатимизда халқ фаровонлиги, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш борасидаги ишларнинг давоми бўлмоқда, десак муболаға эмас.***

Шуниси диққатга сазоворки, қарорда кам таъминланган оилаларга чорвачилик билан шуғулланишга имкон яратиш учун ташкилот, корхона, иқтисоди бақувват хўжаликлар ҳомийлик ёрдами кўрсатиш билан бирга, мол-ҳол қилиш учун кредитлар ажратишни йўлга қўйиш каби имтиёзлар мавжуд. Бундан ташқари, унда ўз хўжалигида чорва моллари парвариши, уларнинг маҳсулотлари - гўшт, сут, қатиқни қайта ишлаш билан машғул бўлган шахсларга ҳам пенсия олишга асос бўладиган меҳнат стажи ҳисоблаш белгилаб қўйилган.

Туман Давлат солиқ инспекцияси ходимларининг олиб борган тарғибот ишлари натижасида қишлоқ ва қўрғонларда яшовчи, аввалдан уйида мол сақлаб келаётган ёки бу иш билан шуғулланишни истаганларга қарорнинг моҳияти тушунтириб берилди. Бу мавзудаги мулоқотлар, савол-жавоб кечалари ташкил этилди, уларнинг самараси ўлароқ шу кунгача туман Давлат солиқ инспекциясидан 237 нафар фуқаро ижтимоий суғурта бадали тўловчи сифатида рўйхатдан ўтди ва бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига 146,3 минг сўм тўлади. Туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ўз уйида чорвачилик билан шуғулланаётганлардан 226 нафарига меҳнат дафтарчаси очиб, уларга май ойидан эътиборан иш стажи ёзиш жорий этилган. Энг муҳими, бундай тадбирлар орқали аҳолининг ишсизлик даражаси камайиб, уларнинг манфаатдорлиги ортиб бормоқда.

**С.РУСТЕМОВ,**
**Бўстонлиқ тумани Давлат солиқ инспекцияси "Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўловларнинг тушишини таҳлил ва назорат қилиш" шуъбаси мудири.**

*Мавсум*

## Дефолиация - муҳим тадбир

***Қорақалпоғистонда бу мавсум 75 минг гектар пахта майдонини дефолиация қилиш белгиланган. Бу иш айни кунларда қизғин олиб борилмоқда. 198 дона ОВХ, 149 та ташиш техникалари ва ишчи кучларидан унумли фойдаланилаётир.***

Жойлардаги ишчи отрядлар томонидан ҳар кунги иш натижалари таҳлил этиб борилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси "Сифат" маркази далолатномалар асосида дефолиация қилинган пахта майдонларини қабул қилиб олмоқда. Мавсум бошидан бери эса 30 минг гектардан зиёд пахта майдони дефолиациядан чиқарилди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

# Фойдаси ўзимизники, зарари-чи?

(Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда ушбу масалага жиддий аҳамият қаратилиб келинмоқда. Хусусан, 1999-2005 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари дастурига асосан талайгина ишлар амалга оширилди. Қолаверса, 2002 йили Ўзбекистон Республикасининг "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонуни ҳам жорий этилдики, натижада бу доирадаги ишлар янада жадал тус олди. Ушбу қонунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқаролар ҳамда қатор юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, бурчлари белгилаб қўйилди. Республикамизда ишлаб чиқариш ва истеъмолдан чиққан чиқиндиларнинг йиллик ҳажми 100 миллион тоннадан кўпроқни ташкил этади. Уларнинг 14 фоизи заҳарли ҳисобланади. Ҳозирги вақтга келиб чиқинди омборлари 10 минг гектар майдонни эгаллаб турибди. Саноат чиқиндиларининг энг кўп миқдори тоғ-кон саноати корхоналарида ҳосил бўлаётир. Шу ўринда рақамларни Тошкент шаҳри мисолида давом эттирсак. Маълумки, пойтахтимиз аҳолиси жиҳатидан ҳам, саноат маркази сифатида ҳам йирик шаҳарлардан саналади. Бу ердаги кенг ишлаб чиқариш тузилмалари — авиасозлик, машинасозлик, тўқимачилик, кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, электро-техник корхоналари ҳисобига шаҳарда йилига 700 минг тоннага яқин маиший, 20 минг тоннага яқин саноат чиқиндилари пайдо бўлади. Демак, рақамлардан кўринадики, катта шаҳарнинг бу борадаги "ташвиши" ҳам кичик эмас. Ҳозирги вақтда шаҳарда чиқинди ташишга мўлжалланган 900 та махсус машиналарга эҳтиёж бор. Аммо амалда бундай машиналарнинг 579 таси ёки 69 фоизи ишлаб турибди, холос. Туражойлардан маиший чиқиндиларни олиб чиқиш учун йигирма мингдан зиёд махсус контейнерлар талаб этилади. Аслида эса контейнерларнинг тўрт ярим минг донаси мавжуд. Бу эса чиқиндиларнинг беш-ўн кунлаб қолиб кетишининг асосий сабабларидан биридир. Энди тасаввур қилиб кўраверинг, нега чиқиндилар махсус қутиларга эмас, ерга тўкиляпти?! Нима учун уйингиз атрофидаги чиқиндилар узоқ вақт сақланиб қолиб, майдонини тобора кенгайтириб бораверади?!

Яқинда "ЭКОСАН" халқаро ташкилотида "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонуннинг бажарилиши юзасидан бўлиб ўтган йиғилишда иштирокчилар пойтахтимизда бу борада анчагина ижобий ҳаракатлар қилинаётганини ҳам таъкидлаб ўтдилар. Масалан, "Тошкент шаҳрининг санитария ҳолатини яхшилаш тизимини такомиллаштириш" инвестицион лойиҳаси ва Қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш дастурига асосан аҳоли яшаш мавзеларида чиқиндиларни йиғишга мўлжалланган 390 та қўриқланадиган, 750 та қўриқланмайдиган пунктлар қурилган. Ўн уч мингта контейнер сотиб олинган. Қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш ва транспортировка қилиш тизимини яхшилаш мақсадида қўшимча ташиб чиқарувчи машиналар жалб қилинган. Ҳамза, Яккасарой ва Юнусобод туманларида чиқиндини қайта ташиш манзиллари барпо этилди.

Юқори даражада урбанизациялашган ҳудудлардан яна бири Тошкент вилоятидир. Вилоят таркибига кўплаб катта-катта корхоналарга эга бўлган шаҳарлар киради. Шу боис вилоят ҳудудида ҳар йили 30 миллион тонна саноат чиқиндилари ҳосил бўлади. Мазкур чиқиндиларга мўлжалланган 14 та полигон мавжуд бўлиб, улар 3,5 минг гектар майдонни банд этган.

Бир қарашда биз чиқинди деганда яроқсиз, вазифасини ўтаб бўлган нарсани тушунамиз. Ундан келгусида ҳеч бир эҳтиёжбоп ашё тайёрланишини тасаввурга ҳам сиғдира олмаймиз. Ваҳоланки, айни замонда чиқиндидан истеъмолбоп маҳсулотлар ишлаб чиқараётганлар, бу орқали нафақат ўзи, балки бошқаларни ҳам манфаатдор қилаётганлар йўқ эмас.

Хусусан, Тошкент вилоятида чиқиндиларни қайта ишлашга жалб қилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Зарарсизлантирилган чиқиндиларнинг ҳажми йилига 170 минг тоннага тенг. "Бекобод металлургия комбинати" корхонасининг околин ва газ тозалашдан чиққан шлакларнинг барчасини Бекобод, Навоий шаҳридаги цемент заводлари олиб, хом ашё сифатида ишлатмоқда. Ангрен иссиқлик электростанциясида ҳосил бўлаётган шлакли куллардан қайта фойдаланиш чоралари изланмоқда. "Оҳангаронщифер" заводидан чиқаётган азбозурит чиқиндиларидан қурилиш ишларида фойдаланилмоқда.

Айниқса, саноат чиқиндиларини қайта ишлаш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда "Промкартонторг" акциядорлик жамиятининг қоғоз чиқиндиларидан картонли идишлар ишлаб чиқараётганлиги, "Авесто-Шамс" хусусий фирмасининг ишлатилган полимер чиқиндилардан пластмасса буюмлар тайёрлаётганлигини ижобий ишлардан бири, деб баҳоласак бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қаттиқ ва маиший чиқинди билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш йўлидаги қилинаётган ҳаракатлар янада кенгайиши зарур. Зеро, саноат корхоналарининг фаолияти мамлакат равнақи, жамият, истеъмолчи ҳисобланган оддий инсонлар учун жуда аҳамиятли ва фойдали. Унинг фойдаси ўзимизники. Аммо зарари ҳам бошқаники эмас. Демак, уни камайтириш ҳам ўзимизга боғлиқ.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

